



КУЧ-АДОЛАТДА

2013 йил
5 июл,
жума
№ 27 (436)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси



http://www.oliysud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

"Жамиятнинг ҳақиқий бойлиги, бу — инсон, инсон авлодидир. Кишилик жамияти эл-юртга, Ватанга садоқатли, иймон-этиқоди бутун, мард ва жасур, малакаси етук, маънавияти юксак инсонлар билан ҳақли равишда фахрланади. Бу улугвор, бетимсол бойлик ҳар қайси давлатнинг қудратли салоҳият манбаидир".

Президентимиз Ислам Каримовнинг мустақил давлатимиз тарихидаги илк юксак нишон — "Соғлом авлод учун" орденини топириш маросимида айтган бу сўзларида мамлакатимизнинг стратегик мақсади, давлат сиёсатининг устувор йўналиши ўз ифодасини топган.



ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТ

Албатта, бундай улугвор мақсадга бирданига эришиб бўлмайди. Бунинг учун узок вақт ва кенг миқёсдаги кўп-дан-кўп вазифаларни бажариш талаб этилади.

"Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида"

киتابида қайд этилган куйидаги фикрлар бу ҳақда аққол тасаввур беради. 1990 йил 4 июнда бўлиб ўтган йиғилишда Ўзбекистон раҳбари Ислам Каримов ўша пайтдаги долзарб масалаларга эъти-

борни қаратган эди: "Ижтимоий инфраструктура тармоқлари: соғлиқни сақлаш, халқ таълими, мактабгача болалар муассасалари жуда оғир аҳволга тушиб қолган. Мактаб ва касалхоналарнинг 60 фоизи ноёб биноларда жойлаштирилганини айтишнинг ўзи кифоя. Жуда ўткир иқтисодий ва ижтимоий муаммолар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Буни аввало шундан кўра бўладики, инсоннинг ҳар томонлама

уйғун камол топиши, унинг шахс сифатида маънавий ривожланиши у ёқда турсин, кўпинча яшаш учун керак далада ишлар эди, — дея болалик йилларини хотирлади отам. — У пайтлар ҳозиргидек она ва бола саломатлиги, туғуруқ таътили деган гаплар йўқ, оналар чақалогининг чилласи чиқар-чиқмас яна далага чиқиб кетарди. Мен ҳам дала четидаги толбеланчада катта бўлганман. Момонг раҳматлининг айтишича,

иқтидоримизда инсон ҳуқуқи ва эркинликларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиши керак. Шунингдек, бугунги кунда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича фаолият юритаётган фермер хўжалиқларининг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. (Давоми учинчи бетда)

иқтидоримизда инсон ҳуқуқи ва эркинликларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиши керак. Шунингдек, бугунги кунда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича фаолият юритаётган фермер хўжалиқларининг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. (Давоми учинчи бетда)

Истиқлол йилларида мамлакатимизда ҳар бир фуқаронинг адолатли меҳнат шaroитларида ишлаши ҳамда эркин ва фаровон турмуш кечиришини таъминлаш энг устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди. Айниқса, шахснинг хавфсизлигини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни жинсий қилмишлардан муҳофаза қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шундай чоралардан бири ҳисобланган маъмурий назорат ўрнатиш амалдаги "Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишга шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида"ги қонун асосида тартибга солинди. Бу институтнинг асосий мақсади — муқаддам судланган шахслар томонидан такроран жиноят содир этилишининг олдини олиш, уларни ижтимоий ҳаётга мослаштиришдан иборатдир.

Қонун талаби

Маъмурий назорат

у кимларга нисбатан ва қандай тартибда ўрнатилади?

Айтиш керакки, маъмурий назорат юқорида номи қайд этилган қонуннинг 4-моддасида кўрсатилган шахсларга нисбатан ўрнатилади. Аниқроқ айтиш керакки, бу ҳақда қандай қасддан содир этган жинояти учун икки ва ундан ортқ марта судланганлар жазони ўташ чоғида тузалиш ёки ҳалол меҳнат билан кун кечи-

риш йўлига ўтишни истамаса, маъмурий назорат остига олинди. Бинобарин, бундай тоифага мансуб шахслар жазо муддатини ўтаб бўлгач, ички ишлар идораларининг оғоҳлантиришига қарамай, жамоат тартибини бузаётган ва фуқароларнинг қонуний манфаатларига путур етказётган бўлса, уларга нисбатан шундай таъсир чораси қўлланилади. (Давоми иккинчи бетда)

Жамиятимиз мақсади

Маҳалла — эзгу қадриятлар маскани

Истиқлол йилларида миллий анъаналаримиз, асрий қадриятларимиз қайта тикланиб, халқимизга хос энг яхши урф-одатлар қадр ва эъзоз топди. Айниқса, кўп миң йиллик тарихга эга бўлган ноёб ижтимоий тузилма — маҳалла институтини ривожлантириш борисида қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Чунинчи, 2004 йил 29 апрелда "Фуқаролар йиғини (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонун амалга киритилиб, унинг ижросини тўлиқ таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шунингдек, жорий йилнинг 28-29 март кунлари Олий Мажлис Сенатининг ўн биринчи мажлисида давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган гоялар асо-

сида "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ва "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонунларнинг янги таҳрири амалга киритилди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Бугун меҳнатга онд муносабатларда ижтимоий тенглик ва адолат тамойиллари устуворлик касб этиб, ҳар бир соҳада иш берувчи ва ходимнинг ҳуқуқи ва манфаатлари тўла таъминланишига эришилмоқда.

Фуқаролик қонунчилиги

Меҳнат ҳуқуқи кафолати амалдаги қонунларимизда ўзининг тўлиқ ифодасини топган

Айтиш керакки, ходим меҳнат нисосини ҳал қилиш учун, ўз хоҳишига кўра, меҳнат нисозлари комиссиясига ёки бевосита судга мурожаат этишга ҳақлидир. Меҳнат нисозлари комиссияси меҳнат нисозини ариза берилган кундан эътиборан ўн кун

судга мурожаат этишга ҳақлидир. Меҳнат нисозлари комиссияси меҳнат нисозини ариза берилган кундан эътиборан ўн кун

муддат ичида кўриб чиқиши шарт. Низо ариза берилган ходимнинг иштирокида кўрилади. (Давоми учинчи бетда)

Қонун ижодкорлиги

Фермер хўжалиқлари ҳуқуқий ҳимояси

бу борадаги қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилмоқда

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг жамият ҳамда фуқаролар олдидаги масъулиятини янада ошириш, ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқи ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқи кафолатланиши тўғрисидаги конституциявий тамойилни ҳаётга тўлиқ жорий этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.


Мамлакатимизда инсон ҳуқуқи ва эркинликларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиши керак. Шунингдек, бугунги кунда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича фаолият юритаётган фермер хўжалиқларининг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. (Давоми учинчи бетда)

Бағрикенглик тамойиллари

Ярашувда ҳикмат кўп

ушбу институт жамиятда ҳамжиҳатлик ва меҳр-оқибатни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, инсон ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини амалда таъминлаш, бу борада қонуний асосларни изчиллик билан такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. (Давоми учинчи бетда)



Қонун кўмаги

Фуқаролар манфаатлари ҳимояси йўлида

Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларга ёки халқ вакилларига ариза, тақлиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги бош Қомусимизда алоҳида эътироф этилган. (Давоми иккинчи бетда)

Qonun ko'magi

Фуқаролар манфаатлари ҳимояси йўлида

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Айтиш керакки, ушбу конституциявий тамойил "Фуқароларнинг мухоҷаатлари тўғрисида"ги қонунда янада кенгроқ акс эттирилди. Унда ҳар бир мухожаатни тегишли муддатда кўриб чиқиш, ҳал этиш тартиби аниқ белгилаб қўйилган фуқароларнинг манфаатини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Маълумки, фуқароларнинг мухожаат қилиш ҳуқуқи инсон ҳуқуқлари таъминлини ва самарали ҳимоя қилинишининг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. "Фуқароларнинг мухожаатлари тўғрисида"ги қонун фуқароларга давлат органлари ва муассасаларига ариза, шикоят ҳамда тақлиф билан мухожаат этиш орқали ўзларининг ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат органлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган тақлифлари билан ўз муносабатларини билдириш имконини яратди. Шу асосда фуқароларнинг ҳамда давлат органлари ва муассасаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тартибга солинди.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларнинг мухожаатларини ўз вақтида кўриб чиқиш борасида Жиззах вилояти адлия бошқармаси томонидан бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, фуқаролардан келиб тушган 71

та шикоятнинг 30 таси кўриб чиқилиб, уларнинг 24 таси қаноатлантирилди.

Мисол учун Жиззах туманида яшовчи Ш.Бобоев ва бошқаларнинг "Жиззахтумангаз" филиали томонидан аризаларининг жавобсиз қолаётгани тўғрисида адлия бошқармасига қилган мухожаати юзасидан ўрганиш ўтказилди. Натихада "Жиззахтумангаз" филиали мансабдор шахсига нисбатан маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судига тақлиф киритилди. Суд ишни кўриб чиқиш, маъмурий жарима қўллаш ҳақида қарор чиқарди.

Бундан ташқари Зафаробод туманида яшовчи Д.Ўташевнинг "Восток ЛТД" корхонасига қарашли Зафаробод тумани Х.Турғунбоев қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги "МЦ Восток" шўъба корхонаси томонидан иш ҳақи тўлаб берилмаётгани юзасидан адлия бошқармасига ёзган мухожаати ўрганилди. Натихада фуқарога иш ҳақларининг тўлиқ тўланиши таъминланди.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, фуқароларнинг ҳар бир мухожаати адлия идоралари томонидан ўз вақтида кўрилиб, қонуний ҳал этилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясига хизмат қилмоқда.

Н.ТАЙЛОНОВ,
Жиззах вилояти адлия бошқармаси масъул ходими

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Табиийки, бундай оғир вазият аҳоли саломатлиги, ёш авлод камолотига таъсир этмай қолмаган. Ўтган асрнинг 80-йилларида аҳолининг касаллиши кўрсаткичлари, аёллар ва болалар ўлими юқори даражага етган.

Юртбошимиз мустақиллигимизнинг илк кунларидан аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, миллат генетикини соғломлаштириш масаласини давлат сиёсати даражасига кўтарди. Ўзбекистон фарзандларининг соғлом туғилиши ва соғлом улғайишига шароит яратиш учун катта куч ва маблағлар йўналтирилди.

Ўтган йиллар давомида бу олижаноб мақсад йўлида улкан ишлар амалга оширилди. Оналик ва болаларнинг муҳофаза қилиш, таълим тизимини такомиллаштириш, болалар спортини ривожлантириш каби йўналишлардаги изчил ислохотлар бир-бирини тўлдириб, узвий тизим шаклини олди. Бугун юртимизнинг барча ҳудудларини қамраб олган замонавий тиббий марказлар, таълим муассасалари, спорт иншоотлари ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган "Соғлом она — соғлом бола" фойдаси асосида амалга оширилган кенг қўламли чора-тадбирлар репродуктив саломатлиқни мустаҳкамлаш, соғлом оилани шакллантириш, ирсий касалликларнинг олдини олишда муҳим омил бўлмоқда. Юртимизнинг барча ҳудудларида ташкил этилган замонавий скрининг марказлари, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббий маркази ва Репродуктив саломатлик маркази, уларнинг минтақавий филиалларида оналар ва чақалоқларга юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатилмоқда.

Ёш авлодни комил инсонлар этиб тарбиялаш, жамият

Mustaqilligimizning 22 yilligi oldidan

ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТ

ятда соғлом муҳитни қарор топтиришнинг асосий воситаси сифатида мамлакатимизда спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз томонидан асос солинган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг фаолияти умуммиллий ҳаракатга айланди. Айтиш керакки, бу жараён таълим-тарбия тизими билан мутаносиб равишда олиб борилаётгани унинг аҳамиятини янада оширмоқда.

Барча ҳудудларда, хусусан, чекка-чекка қишлоқларда ҳам замонавий спорт мажмуаларининг бунёд этилаётгани ва зарур анжуманлар билан таъминланаётгани натижасида болаларнинг спорт билан шуғулланиш имкониятлари тобора кенгаймоқда. Бугунги кунда таълим тизимидаги спорт иншоотлари, мактаб спорт заллари ва сузиш ҳавзаларининг умумий сони 10 мингдан ошиб кетди.

Уларнинг сифати, жиҳозлини ва фойдаланиш самарадорлиги каби масалалар ҳам борки, бу жиҳатларни илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмади. Спорт мажмуаларимиз 120 турдаги спорт анжуманлари ва жиҳозлари билан таъминланган. 1 миллион 800 минг нафардан зиёд болалар спорт билан мунтазам шуғулланмоқда.

Бу борадаги кенг қўламли саъй-ҳаракатлар самараси фарзандларимизнинг саломатлигида, жисмоний кўрсаткичларида ҳам намойён бўлмоқда. Ҳар йили мактаб ёшидаги болалар ўртасида ўтказилаётган профилатик кўриқ натижаларига кўра, сўнгги ўн йилда ўқувчилар ўртасида ўткир респиратор вирусли инфекциялар, пневмония, бронхит, сколи-



оз билан касалланиш ҳолатлари кескин камайган.

Ўртача вазн кўрсаткичи 14 ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида 43 килограммдан 47 килограммга, қизлар ўртасида эса 44 килограммдан 48 килограммга ортган. Болаларнинг бўйи ўғил болалар ўртасида ўртача 3 сантиметрга, қизлар ўртасида эса 2,9 сантиметрга ўсган. Ҳозирги вақтда 92 фоиз ўғил-қизларимизнинг вазни ва бўйига доир кўрсаткичлари Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўлиқ мос келади.

Энди бир мулоҳаза қилиб кўрайлик: бундан 20-25 йил олдин болалар саломатлиги қай аҳволда эди-ю, бугун қай даражада етди? Илгари болалар қай ҳолатда улғаярди-ю, бугун қандай шароитларда вояга етмоқда? Кеча ким эди-ю, бугун ким бўлди?

Бу саволлар бизни бир ҳақиқат сари бошлайди — мустақиллиқнинг кадр-қиммати, бу улғу нъмат бугунимиз ва келажак авлодларимиз учун нақадар муҳим эканини теранроқ англаймиш, хис этамиш.

Яқинда интернет тармоғида шундай маълумот ўқиб қолдим. МДХ давлатларининг бирида армия ёшига етган йигитларнинг учдан икки қисми ҳарбий хизматга ёроқсиз, деб топилди. Бошқа бир мамлакатда эса, бор-йўғи 15 фоиз ёшлар-

нинг соғлиғи ҳарбий қақирув талабларига жавоб берар экан. Улар ҳам имкон қадар армияга бормасликка ҳаракат қилаётган, бунга йўл кўймаслик учун полиция ходимлари жалб этилаётган экан.

Президентимиз, Куролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондонидан Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилган изчил ислохотлар самарасида миллий армиямизнинг жанговар имкониятлари, ҳарбий жамоалардаги маънавий-ахлоқий муҳит тубдан ўзгарди. Куролли Кучларимиз ёшларда мустаҳкам ирода ва характерни шакллантирадиган, жисмоний чиниқиш ва юксак инсоний фазилатлар камол топадиган ўзига хос мактабга айланди.

Ёшларимиз орасида армияда хизмат қилишга қизиқиш ва интилиш тобора кучайиб бораётир. Бунинг натижасида аскар бўлиш учун ўзига хос соғлом рақобат юзага келди. Ҳарбийга қақирилувчилар мударрали ҳарбий хизматга тиббий, жисмоний ва интеллектуал кўриқ асосида саралаб олинмоқда.

Эътиборлиси шундаки, мамлакатимизда бу талабларга жавоб берадиган ёшлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Хусусан, 2003 йилда ҳарбий хизматга яроқли деб топилган йигитлар 67,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда бу

кўрсаткич 82,5 фоизга етган.

Бу шунчаки оддий рақамлар эмас. Уларнинг замирида мустақиллик йилларида юртимизда дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган соғлом ва баркамол авлоднинг вояга етказиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ва изчил ишлар, тинимсиз меҳнат мужассамдир. Айтиш керакки, бу спорт ёш авлоднинг саломатлиги ва жисмоний ривожланишига нақадар ҳаётбахш таъсир қўрсатаётганининг яна бир ёрқин далилидир.

Албатта, бугун спорт билан шуғулланаётган ёшларнинг ҳаммаси ҳам ҳарбий қасбни танламади ёки етук спортчи бўлмади. Аммо жисмоний машқларда тобланган ҳар бир ўғил-қиз келажакда ҳаётнинг турли синовларига чидамли, мард ва қатъиятли бўлиб камолга етади. Ўз олдида қўйган мақсадларга эришади. Турмушидан, Ватанидан рози бўлиб яшайди, бунёдкорлик билан машғул бўлади. Келажакда ўз фарзандларини ҳам ана шундай руҳда тарбиялайди.

Бундай ноёб фазилатларга эга авлодни тарбиялаб вояга етказётган жалб келажакка очик кўз, катта ишонч билан қарши табиий. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, **фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлади.**

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА шарҳловчиси

Muloqot

Газетхон савол беради...

— Айтингчи, лицензия олиш учун қандай ҳужжатлар тақдим этилади?

Л.ШЕРМАТОВ,
Сирғали тумани

— Сизнинг бу саволингизга жавобан шунини айтиш керакки, амалдаги "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги қонуннинг 14-моддасида таъкидланишича, лицензия олиш учун тегишли лицензияловчи органга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

лицензия бериш тўғрисидаги ариза — унда: юридик шахс учун — юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган ери (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банк муассасасидаги ҳисобварағи рақами; жисмоний шахс учун — фамилияси, исми ва отасининг исми, фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг маълумотлари; юридик ёки жисмоний шахс амалга ошириши мўлжаллаган фаолиятнинг лицензияланаётган тури (унинг бир қисми), шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда фаолиятнинг мазкур тури;

юридик шахслар учун — юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома-нинг нусхаси; жисмоний шахслар учун — яққа тартибдаги тadbиркор давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома-нинг нусхаси;

лицензияловчи орган лицензия даъвогарининг аризасини кўриб чиқиши учун лицензия даъвогарининг йўналишига тегишли тасдиқловчи ҳужжат; фаолиятнинг айрим турига лицензия олиш учун қўйиладиган талаблар ва шартларни лицензия даъвогарининг бажариши мумкинлигини тасдиқловчи ҳамда қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган бошқа ҳужжатлар.

Лицензия даъвогаридан ушбу қонунда ҳамда фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги ўзга қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган бошқа ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

Лицензия олиш учун тегишли лицензияловчи органга юборилган ҳужжатлар рўйхат бўйича қабул қилиниб, рўйхатнинг нусхаси мазкур орган томонидан ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана қўрсатилган ҳолда ариза-қўриққа юборилади (топширилади). Нотўғри ёки бузиб қўрсатилган маълумотларни тақдим этганлиги учун лицензия даъвогарининг амалдаги қонунчиликка мувофиқ, жавобгар бўлади.

Саволга юридик фанлар номзоди С.НИЁЗОВА жавоб берди.

Maslahat

Меҳнат шартномаси

у қандай ҳолларда ходимнинг ташаббуси билан бекор қилинади?

Меҳнат кодексининг 99-моддасида қайд этилишича, ходим номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам, муддати тугагунга қадар муддатли меҳнат шартномасини ҳам, икки ҳафта олдин иш берувчининг ёзма равишда огоҳланти-

риб, бекор қилишга ҳақлидир. Огоҳлантириш муддати тугагандан сўнг ходим ишга ўтишга ҳақли, иш берувчи эса, ходимга меҳнат дафтаридаги бериши ва у билан ҳисоб-китоб қилиши лозим.

Ходим билан иш берувчи ўрта-

сидаги келишувга биноан, меҳнат шартномаси огоҳлантириш муддати тугамасдан олдин ҳам бекор қилиниши мумкин.

Агар огоҳлантириш муддати тугагандан кейин ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинмаган ва

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Маъмурий назорат остига олинганлар зиммасига айрим мажбуриятлар юқлатилиши мумкин. Чунанчи, белгиланган вақтда истиқомат қиладиган уйдан чиқиб кетмаслик, руҳсатсиз тумандан ташқарига чиқмаслик, рўйхатдан ўтиш учун ҳар ойда бир мартадан тўрт мартагача ички ишлар бўлимига келиб учрашиш шулар жумладан.

Маъмурий назорат судьянинг қарори асосида олти ойдан бир йилгача муддатга ўрнатилади. Назорат остидаги шахс белгиланган вақт мобайнида тузалиш йўлига ўтмаган, жамоат тартибини бузган ёхуд зиммасидаги мажбуриятларни бажармаган тақдирда маъмурий назорат муддатини узайтиришга йўл қўйилади. Маъмурий назорат остидаги

ҳар бир шахс тўғрисида назорат дафтари юритилади. Бунда назорат остидаги шахсга унинг бурчлари, маъмурий назорат қоидаларини бузганлик, истиқомат қиладиган жойидан ўзбошимчаклик билан кетиб қолганлик учун жавобгарликнинг муқарраллиги тўғрисидаги тўлиқ тушунтириш берилди.

Бироқ ҳаётда маъмурий назорат қоидаларига риоя қилиши зарурлиги тўғрисида расмий равишда огоҳлантирилганига қарамай ўз бурчини бажаришга маъмурий назорат қоидаларига риоя қилиниши текшириш мақсадида ички ишлар бўлими ходимлари кеч соат 21:30 да унинг уйига келиши, холис-

лари рўйхатдан ўтиш учун туман ички ишлар бўлимига келиши, кеч соат 20.00 дан эрталабки 6.00 га қадар уйда бўлиши белгиланган. Афсуски, Н.Шодиев белгиланган муддатда рўйхатдан ўтиш учун ички ишлар бўлимига сабабсиз келмаган ва бу билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 206-моддасида қўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этган. Жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур тумани судининг қарорига асосан Н.Шодиев маъмурий жавобгарликка тортилган. Афсуски, у бундан тўғри хулоса чиқариш ўрнига тақдоран маъмурий назорат қоидаларини бузди. Яъни унинг маъмурий назорат қоидаларига риоя қилиниши текшириш мақсадида ички ишлар бўлими ходимлари кеч соат 21:30 да унинг уйига келиши, холис-

меҳнат муносабатлари давом этаётган бўлса, ходимнинг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги ариза ўз кучини йўқотади, бундай ҳолда меҳнат шартномасини шу аризага мувофиқ бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Меҳнат шартномасини ходимнинг ташаббуси билан бекор қилиш ҳақидаги ариза ўз ишини давом эттиришининг имкони йўқлиги (ўқув юртига қабул қилинганлиги, пенсияга чиққанлиги, сайлаб қўйиладиган лавозимга сайланганлиги ва бошқа ҳоллар) билан боғлиқ бўлса, иш берувчи меҳнат шартномасини ходим илтимос қилган муддатда бекор қилиши керак.

Qonun talabi

Маъмурий

лар иштирокида ўтказилган текширув чоғида Н.Шодиевнинг уйда йўқлиги аниқланди.

Суд ишни атрофлича кўриб чиқиб, ижтимоий фойдалар меҳнат билан шуғулланмаётганлигини инобатга олиб, Н.Шодиевни Жиноят кодексининг 226-моддасида қўрсатилган жиноятни содир этганликда айбдор, деб топди ва унга нисбатан 1 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

Кези келганда шунини таъкидлаш жоизки, маъмурий назоратни амалга ошириш

чоғида шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига пуғтур етказмаслик, унинг инсоний кадр-қимматини камситмаслик, иш, ўқиш ва истиқомат қиладиган жойида обрўсини тўқмаслик гояда муҳимдир. Қонунчилигимизда ўрнатилган бундай меъёр инсонпарварлик, адолат ва одиллик тамойилларининг амалдаги ифодасидир. Қолаверса, маъмурий назорат остидаги шахсга нисбатан ўрнатилган чеклашлар унинг турмуш тарзи ва хуқ-атворига қараб қисқартирилиши ёхуд узайтирилиши мумкин.

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Хозирги кунда фермер хўжаликлари ташкил этиш ва қайта ташкил этиш, уларга ер участкаларини узок муддатга ижарага бериш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан фермер хўжалиklarини ривожлантириш ва уларнинг фаолият кўрсатишига доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини қабул қилиш билан боғлиқ барча масалалар фермерлар кенгашларининг беvosита иштирокида ҳал этилмоқда.

Фермерлар кенгашларининг асосий вазифалари давлат ва хўжалик бошқаруви, жойлардаги давлат ҳокимият органлари билан муносабатларда, тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатишдан ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишда, шунингдек, судларда ишларни кўриб чиқишда, умуман айтганда, ҳамма жойда фермерларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Шу маънода Вазирлар Маҳкамаси томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига киририлган "Фермерлик фаолиятини ташкил қилишнинг янада такомиллаштирилиши ва унинг ривожлантирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси ҳам фермер хўжаликларини ҳимоя қилиш янада такомиллаштиришга қаратилган билан алоҳида аҳамиятга эгадир.

Мазкур қонун лойиҳаси моҳият-этибори билан фермер хўжаликларининг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини фермерлар кенгашларини орқали ҳимоя қилишни янада кенгайтиришни назарда тутилади. Жумладан, Солиқ кодексининг 329-моддаси 35-банди ҳамда 330-моддаси 29-бандлари фермерлар кенгашлари давлат ва хўжалик бошқаруви, ма-

ҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларига, уларнинг мансабдор шахслари ҳаракатига (ҳаракатсизлигига) нисбатан фермер хўжаликларининг манфаатларини кўзлаб қилинадиган

ҳаси билан Солиқ кодексига киритилмоқда.

Айтиш керакки, ушбу қонун лойиҳаси қабул қилинган, фермерлар кенгашлари фермер хўжаликларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

ролик процессуал кодекси-нинг 31-моддасида тарафлардан ҳеч бўлмаган биттаси фуқаро бўлган низоларга доир ишлар фуқаролик ишлари бўйича судларга таллуқли эканлиги белгилаб

Бундан ташқари фуқаролик ишлари бўйича судлар Фуқаролик процессуал кодексининг 279-моддасида қайд этиб ўтилган юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш, яъни фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ва фуқарони ўлган деб эълон қилиш, фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш, мол-мулкни (ашёни) эгасиз деб топилган ҳамда тақдим этувчига деб берилган ҳужжатлар йўқолган тақдирда, улар бўйича ҳуқуқларни тиклаш тўғрисидаги ишларни алоҳида тартибда кўриб чиқишни ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Чунки фермерлар кенгашлари фермер хўжалиklarининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида шу каби ишлар билан фуқаролик ишлари бўйича судларга даъво аризаси билан муурожаат этиши мумкин.

Қайд этиш жоизки, Хўжалик процессуал кодексининг 23-моддасига кўра, хўжалик мақсадида қилинган ишларга юридик шахслар, юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва акка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тарзда олган фуқаролар ўртасидаги фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга доир ишлар тааллуқлидир.

Шунингдек, хўжалик судларига иқтисодий соҳасида ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари вужудга келиши, ўзгариши ёки бекор бўлиши учун аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш ҳамда банкротлик тўғрисидаги ишлар ҳам тааллуқли бўлиб, фермерлар кенгашлари бу ҳолатларга алоҳида эътибор қаратиши лозим.

Хулоса ўрнида айтганда, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши фермер хўжаликларининг ҳуқуқларини янада кенгрок микёсда ҳимоя қилиш имконини беради.

Фахриддин КОМИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Bag'rikenglik tamoyillari

Ярашувда ҳикмат кўп

ушбу институт жамиятда ҳамжиҳатлик ва меҳр-оқибатни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бугунги кунда суд ҳокимиятини давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғи сифатида тўлиқ шакллантириш йўлида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Зотан, суд тизимидаги ислохотларни чуқурлаштириш, одил судлов тизимини демократлаштириш — ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлашнинг муҳим йўналишларидан биридир. Шу жиҳатдан мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданок мустақил суд ҳокимиятининг ҳуқуқий асослари яратилди.

2001 йилдан бошлаб ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётига ярашув институти жорий этилди. Ярашув институти жиноий жавобгарликка асос бўлиб, жиноят ишларини тугатиш учун асос бўлади. Ярашув институтининг талабига кўра, ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноий қилмишни содир этган шахс айбига иқроор бўлиб, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни тўлиқ қоплаб берса, жиноий жавобгарликка тортилмайди.

Мазкур институтнинг самарадорлиги ҳамда халқимизнинг бағрикенглик ва ке-чиримлилик каби кўп асрлик анъаналарига мослиги унинг изчиллик билан кенгайтирилган боришига асос бўлмоқда. Бугунги кунда 53 та жиноят таркиби бўйича ярашув институтини қўллаш имконияти назарда тутилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Эътиборли жиҳати шундаки, ярашув тўғрисидаги ишларни юритишда қисқа муддатда тарафлар ўртасидаги низо бартараф этилади ва ортиқча сарф-харажатнинг олди олинади. Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи жиноий жавобгарликдан озод қилиниб, «судланган» деган тамгадан халос бўлади.

Ҳуқуқий жиҳатдан олиб қараганда, ярашув институти амалга оширишда зарар икки хил усул билан, яъни жиноят содир этган шахснинг жабрланувчи билан ярашувга қаратилган фаол ҳаракатлари ҳамда унинг моддий шаклда, яъни пул билан қоплаш орқали бартараф этилиши мумкин.

Жисмоний зарарни бартараф қилиш, одатда, жабрланувчининг доволаниши, соғлигини тиклаш учун сарф этган харажатларини айбдор томонидан қоплани-

шидан иборатдир. Мулкка етказилган зарарни бартараф қилиш уни қайта тиклаш, қирилган мол-мулкни қайтариб бериш ёхуд худди шундай қийматдаги мол-мулкни олиб бериш, товон пули тўлаш, дори-дармон ва сихатгоҳларга йўлланмалар олиб бериш, жабрланувчидан кеchирим сўраш ва қонунда таъқиқланмаган бошқа шаклларда ифодаланиши мумкин.

Шу ўринда мисолларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2012 йилнинг январь ойида Шерзод Назаровнинг қонанаси Дилмурод Алиев (исм-шарифлар ўзгартирилган) келиб, ундан акаси олган қарзни дарҳол қайтаришни талаб қилади. Ш.Назаров акасининг уйда эмаслигини, у келгач, бу масала ни ҳал этишни ётиги билан тушунтиради. Бироқ Ш.Назаровнинг жавобидан Д.Алиев қониқмайди ва жаҳл устида ҳақорат қилади. Негаки, у қарзини сўраб бир неча марта келиб-кетганди.

Ш.Назаров эса, бунга жавобан "Акамни ҳақорат қилма", дея Д.Алиевнинг юзига мушти билан уриб, унга тан харажоти етказди. Оқибатда Д. Алиев шифо-хонада ётиб доволанишга мажбур бўлади.

Судда Ш.Назаров айбига иқроорлик билдириб, қилган анъаналарига мослиги унинг изчиллик билан кенгайтирилган боришига асос бўлмоқда. Бугунги кунда 53 та жиноят таркиби бўйича ярашув институтини қўллаш имконияти назарда тутилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Эътиборли жиҳати шундаки, ярашув тўғрисидаги ишларни юритишда қисқа муддатда тарафлар ўртасидаги низо бартараф этилади ва ортиқча сарф-харажатнинг олди олинади. Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи жиноий жавобгарликдан озод қилиниб, «судланган» деган тамгадан халос бўлади.

Хулоса қилиб айтганимизга асос бўлиб, ярашув институтининг амалга оширилиши халқимизга хос бўлган бағрикенглик, кеchиримлилик каби олжаноб фазилатларнинг амалий ифодасидир. Зеро, ушбу институт моҳиятан муросани қўлаб-қувватлаши билан кишилар ўртасидаги муносабатларнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Тургунбой БУВАЕВ,
жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар судининг раиси

Jinoyatga jazo muqarrar

Ҳалоллик қут-барака келтиради

эгрилик эса, қонуний жавобгарликка сабаб бўлади

Мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, аҳолининг халқимизнинг ва саломатлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратишда. Айниқса, инсон саломатлигига жиддий таъхид солувчи трансмиллий жиноятчилик, хусусан, гинёвандлик воситаларининг ноқонуний айланишига қарши курашиш ва унинг олдини олиш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

(Давоми тўртинчи бетда)

Qonun ijodkorligi

Фермер хўжаликларини ҳуқуқий ҳимояси

бу борадаги қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилмоқда

давволар, шунингдек, уларнинг манфаатларини кўзлаб қилиш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Юқорида қайд этилган ҳолатда, амалдаги қонун ҳужжатларига кўра, фермер хўжалигининг ўзи даъво ярашув билан судга муурожаат қилган тақдирда давлат томонидан қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида "ги қонун лойиҳаси ҳам фермер хўжаликларини ҳимоя қилиш янада такомиллаштиришга қаратилган билан алоҳида аҳамиятга эгадир.

Мазкур қонун лойиҳаси моҳият-этибори билан фермер хўжаликларининг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини фермерлар кенгашларини орқали ҳимоя қилишни янада кенгайтиришни назарда тутилади.

Жумладан, Солиқ кодексининг 329-моддаси 35-банди ҳамда 330-моддаси 29-бандлари фермерлар кенгашлари давлат ва хўжалик бошқаруви, ма-



мақсадида судларга даъво аризаси билан муурожаат қилаётганда судларга тааллуқлилик тамойлига ҳам эътибор қаратиши талаб этилади. Чунки янги қонун лойиҳасида фермерлар кенгашлари фермер хўжаликларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳам умумий юрисдикция судларига, ҳам хўжалик судларига даъво аризаси билан муурожаат қилиш ҳуқуқи берилиши кўзда тутилмоқда.

Шу ўринда судловга тааллуқлилик масаласига ҳам тўхталадиган бўлсак, Фуқ-

қуйилган. Бундан кўра, фермер хўжаликларини фуқаро, яъни жисмоний шахслар билан низолашган тақдирда фермерлар кенгашлари бундай даъво аризасини фуқаролик ишлари бўйича судларга тақдим этиши керак. Шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича судларга тақдим этиладиган даъво аризалари сирасига етказилган зарар ўрнини қоплаш, етказилган маънавий зарар ўрнини қоплаш ва бошқа фуқаролик-ҳуқуқий йўналишдаги низоларни киритиш мумкин.

Fuqarolik qonunchiligi

Меҳнат ҳуқуқи кафолати

амалдаги қонунларимизда ўзининг тўлиқ ифодасини топган

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Фуқаролик судларида кўрилатган аксарият меҳнат низоларида ҳодимнинг вакиллик органига ариза бермаганлиги ёки иш берувчи билан ходим ўртасида тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишда, гарчи жамоа шартномаси ёхуд жамоа келишувида бу ҳол назарда тутилган бўлса-да, вакиллик органининг розилигини олмастлик, қасаба уюшмаси қўмитасининг йиғилишида меҳнат шартномасини бекор қилинишига розилик сўралган ходимнинг иштирок этмаслиги ҳолатлари кузатилади ва ходимнинг ишга тикланишида айнан шу ҳолатлар асос бўлади.

Масалан, даъвогар Муннаввар Ҳасанова Зарбдор туманидаги қишлоқ хўжалиги касб-хунара коллежига нисбатан буйруқни бекор қилиш, ишга тиклаш, иш ҳақи ва маънавий зарарни ундириш ҳақидаги даъво аризаси билан судга муурожаат этган. Судда аниқланишича, даъвогар Зарбдор туманидаги қишлоқ хўжалик касб-хунара коллежиде математика фани ўқитувчиси лавозимида фаолият юритиб келган.

Коллеж директорининг 2012 йил 15 августдаги 1/81-қ-сонли буйруғига кўра, М.Ҳасанова билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилинган.

Меҳнат кодексининг 101-моддаси талабига кўра, башарти жамоа ке-

лишуви ёки жамоа шартномасида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш учун қасаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг олдиндан розилигини олиш назарда тутилган бўлса, шартнома бундай розиликни олмай туриб бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Айтиш керакки, коллежнинг жамоа келишувида ходим билан тузилган меҳнат шартномасининг бекор қилинишида қасаба уюшмаси қўмитасининг розилиги олдиниши зарурлиги белгиланган бўлса-да, бу талабга риоя этилмаган.

Вилоят қасаба уюшмаси ташкилотлари билан ҳамкорлик кенгаши суд томонидан М.Ҳасанова билан тузилган меҳнат шартномасининг ноқонуний равишда бекор қилингани ва уни ишга тиклаш масаласини ҳал этиш бўйича киритилган тақдимнома коллеж директори томонидан эътибор-

сиз қолдирилган. Суд даъвогар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилинишида меҳнат қонунчилиги талаблари бузилганлигини инобатга олиб, коллеж директорининг 2012 йил 15 августдаги буйруғини қонун талабига зид, деб топди ва М.Ҳасановани аввалги ишга тиклаш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилди.

Айтиш жоизки, Меҳнат кодексининг 270-моддасида меҳнат низосини ҳал қилиш сўраб, судга муурожаат этиш муддатлари белгиланган.

Судга ёки меҳнат низолари комиссиясига муурожаат этиш учун қуйидаги муддатлар белгиланади: ишга тиклаш низолари бўйича — ходимга у билан меҳнат шартномасини бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруқнинг нусхаси берилган кундан бошлаб бир ой; ходим томонидан иш берувчига

етказилган моддий зарарни тўлаш ҳақидаги низолар бўйича — зарар етказилганлиги иш берувчига маълум бўлган кундан бошлаб бир йил; бошқа меҳнат низолари бўйича — ходим ўз ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб уч ой.

Меҳнат кодексининг ушбу моддасида белгиланган муддатлар узрли сабабларга кўра, ўтказиб юборилган тақдирда, бу муддатлар суд ёки меҳнат низолари комиссияси томонидан қайта тикланиши мумкин.

Албатта, меҳнат муносабатлари иштирокчиларининг амалдаги меҳнат қонунчилигига тўлиқ ва бир хилда риоя этилиши уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлабгина қомай, обод ва фаровон турмуш кеchириларига ҳам хизмат қилади.

А.АБДУХОЛИҚОВА,
фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судининг судьяси

назорат

у кимларга нисбатан ва қандай тартибда ўрнатилади?

Бироқ маъмурий назорат остидаги шахс, гарчанд ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиб, қатъий тузалиш йўлига ўтса-да, бу уни белгиланган саналарда ички ишлар бўлимига учрашиш ва рўйхатдан ўтиш мажбуриятдан озод этмайди. Мисоллар ёрдамида фикрларимизни давом эттирадиган бўлсак, Шайхонтохур

туманида истикомат қилувчи Н.Халиловга нисбатан суд томонидан 6 ой муддатга маъмурий назорат ўрнатилган ва у назорат қоидаларига амал қилиши зарурлиги тўғрисида расмий равишда огоҳлантирилган. Аммо бунга қарамай, у белгиланган саналарда ички ишлар бўлимига келиб учрашиш ва рўйхатдан ўтишга ло-

қайдик билан қараган. Шунга кўра, Н. Халилов маъмурий жавобгарликка тортилган бўлса-да, у белгиланган вақтда яшаш жойида ҳозир бўлмаган. Аниқроқ айтганда, ички ишлар бўлими ходимлари томонидан ўтказилган текширув чоғида Н.Халиловнинг уйда йўқлиги аниқланган. У маъмурий жавобгарликка тортилганидан сўнг ҳам маъмурий назорат қоидаларини бузганлиги туфайли жиноий жавобгарликка тортилган.

Суд судланувчи Н.Халиловга нисбатан жазо тайинлашда унинг ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиб келаётгани ва бошқа айбни енгиллаштирувчи ҳолатларни инобат-

га олиб, унинг хулқини жамиятдан ажратмаган ҳолда ҳам тузатиш мумкин, деган тўхтамак келди. Н.Халиловга нисбатан Жиноят кодексининг 226-моддаси 1-қисми санкцияси доирасида энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдориде жарима жазоси тайинланди. Бундан у тўғри хулоса чиқариб олиши, жамоат тартибининг бузмаслиги, фуқароларнинг қонуний манфаатларига путур етказмаслиги, бир сўз билан айтганда, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиши зарур.

Хулоса ўрнида шунтаъкидаш жоизки, фуқаролар ҳаётининг хавфсизлигини, уларнинг мулкни, жамият ва давлат манфаатларини

салбий таъсирлардан муҳофаза қилишда маъмурий назорат муҳим ўрин тутари. Шунинг баробарида бундай таъсир чоралари янги жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, муқаддам судланган шахсларнинг тақроран жиноят содир этишига йўл қўймастлик, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаёт кеchирилиши таъминлаш сингари эзгу мақсадларга хизмат қилади.

Шукурулло ИНОГАМОВ,
жиноят ишлари бўйича Шайхонтохур тумани судининг раиси
Дилфуза РАХИМБЕКОВА,
"Куч — адолатда" мухбири

Hikmat

ДОНОЛАР
ДЕЙДИЛАРКИ...

Комил инсон ҳар бир одамнинг қомил бўлиши учун қайғуради.

Бахт ҳавода эсмайди, меҳнатдан келади.

Тўрт нарса инсонни улуғлайди: илм, одоб, омонатдорлик ва иффат.

Қаноат меваси — роҳат, камтарлик меваси — муҳаббат.

Бахт — яхши кайфият, фаровонлик, уйғунлик, мутаносиблик ва вазминликдир.

Кимнинг ҳиммати баланд бўлса, қадр-қиммати ҳам баланд бўлади.

Jamiyatimiz maqsadi


Маҳалла — эзгу қадриятлар маскани

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

"Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонунда фуқароларнинг ижтимоий фаолияти билан бирга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини янада оширишга доир меъёрлар ўзининг теран ифодасини топди. Бунда сайловларни ўтказишнинг асосий йўналиши сифатида муқобиллик принцигига алоҳида урғу берилди. Зотан, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида раис ва унинг маслаҳатчиларига икки ва ундан ортиқ номзоднинг кўрсатилиши сайловларнинг қонунийлигини таъминлашга хизмат қилади.

Бундан ташқари қонунда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқолари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишда фуқаролар йиғинларига амалий ёрдам кўрсатиш учун Олий Мажлис Сенатининг Кенгаши томонидан тегишли комиссиялар тuzилиши кайд этилиб, уларнинг ваколатлари аниқ белгилаб қўйилди. Бундай меъёрларнинг жорий этилиши, шубҳасиз, сайловларни тизимли ташкил қилиш, уларни демократик тамойиллар асосида ўтказишни таъминлашга хизмат қилади.

Шу билан бирга, қонунда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) номзодига қўйиладиган талаблар янада кучайтирилди. Жумладан, ҳар бир номзод Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига эга бўлиши, номзоди



кўрсатилган фуқаролар йиғини худудида қамади беш йил яшаган бўлиши, давлат органлари ёки нодавлатнотижорат ташкилотларида ёхуд хўжалик ва тadbirkorлик фаолияти соҳасида иш тажрибасига, юксак маънавий-ахлоқий қазилатларга эга бўлиши лозим.

Жойларда мазкур қонуннинг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, тушунириш бўйича учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Унда вилоят адлия бошқармаси, ички ишлар, прокуратура идоралари масъул ходимлари ишти-

рок этиб, улар томонидан қонун талаблари асосида сайловларга тайёргарлик кўриш юзасидан тегишли кўрсатма ва тавсиялар берилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, янги таҳрирдаги мазкур қонун ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини янада такомиллаштиришга, халқимизнинг уларга нисбатан ишончини янада оширишга, турмушимиз фаровонлиги ва ободлигини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Самариддин АМОНОВ,
Конимех туман давлат нотариал идораси нотариуси

Jinoyatga jazo muqarrar

Ҳалоллик қут-барақа келтиради

эгрилик эса, қонуний жавобгарликка сабаб бўлади

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Бу борада 1999 йил 19 августдаги "Гийхвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида"ги қонун муштахам ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда. Шунингдек, амалдаги Жиноят кодексига гийхвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларни содир этганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Ҳаётда гийхвандликка қарши қатъий кураш олиб борилаётганига қарамай, нарф кутқусида бу иллатга қўл ураётган айрим кимсалар ҳам учраб туради. Масалан, Пахтакор туманида яшовчи Равшан Эшмирзаев шундай қабих жиноятга қўл ургани учун жиноий жавобгарликка тортилди. У Зафаробод туманига ишлаш учун бориб, Салоҳиддин исми кимса билан танишиб қолади. Улар "танишув" муносабати билан спиртли ичимлик истеъмол қилиб, гурунгни бошлаб юборишади. Суҳбат асосида Салоҳиддин Равшанга гийхвандлик воситасини сотиб олмақчи эканини айтади. Равшан икки соатдан сўнг шундай захри қотилни топиб келишни ваъда қилиб, қирақаш машинада йўлга отланади. У панароқ жойда ўсиб турган ёввойи наша ўсимлигини кўз остига олган, харидор топилгудек бўлса, пуланини кўнглига тугиб қўйганди.

Р.Эшмирзаев кўзлаган

манзилига етиб боргач, ҳайдовчига бироз кўтиб туришни тайинлайди ва унинг кўзини шамғалат қилиб, ёввойи наша ўсимлигининг барглари бир-бир териб олади. Сўнгра ўша машинада "харидор" кўтиб турган жойга қайтиб келади. Салоҳиддин Равшандан гийхвандлик моддасини 200 минг сўмга сотиб олаётган пайтда ички ишлар идораси ходимлари томонидан қўлга олинди. Судга оид кимёвий экспертизанинг хулосасига кўра, наша ўсимлигининг таркибида фаол гийхванд модда-тетрагидроканнабинол мавжуд бўлиб, унинг вазни 740,04 граммни ташкил этган.

Суд судланувчи Р.Эшмирзаевни кўп миқдордаги гийхвандлик воситасини қонунга хилоф равишда сотганликда айбдор, деб топди ва унга нисбатан тегишли жазо тайинлади.

Шу тариха инсон саломатлигига ҳавф солувчи оғуни пуллаб, мўмай даромад ортиришни қўзлаган Р. Эшмирзаевнинг жиноий фаолиятига чек қўйилди.

Хулоса ўрнида шуну таъкидлаш жоизки, соғлом турмуш тарзини яхши муносабат билан қўллаш зарур бўлади. Ушундан кўра, ҳар бир инсоннинг ушбу тарзини яхши муносабат билан қўллаш зарур бўлади. Ушундан кўра, ҳар бир инсоннинг ушбу тарзини яхши муносабат билан қўллаш зарур бўлади.

Абдулла АХМЕДОВ,
жиноят ишлари бўйича Пахтакор туман судининг раиси

Мамлакатимизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиб, буларни амалда тўлиқ таъминлаш мақсадида муҳим чора-тадбирлар ишчилик билан амалга ошириб келинаётганига ҳар биримиз гувоҳмиз. Биргина бугунги кунда дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган одам савдосининг олдани олишга доир чора-тадбирларга тўхталадиган бўлсак, бу жиноятдан жабрланганларни аниқлаш, уларга зарур ёрдам кўрсатиш ишлари изчил йўлга қўйилган. Бу борада Президентимизнинг "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори муҳим ҳуқуқий асос бўлиб, ушбу турдаги жиноятларга қарши курашиш ва уларнинг олдани олишга оид ишлар кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Qilmish-qidirmish



Айтиш жоизки, одам савдоси — халқро миқёсдаги долзарб муаммолардан бири бўлиб, ҳар йили дунё бўйича тахминан 2,7 миллион нафар инсон ушбу жиноят қурбонига айланмоқда. Шу боис трансмиллий жиноят саналган одам савдосига қарши курашиш халқро ҳамкорлики талаб этади. Жиноятчиликнинг ушбу турига қарши курашиш ва унинг олдани олиш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бир қатор халқро тавсиявий ва мажбурий характерга эга ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, уларнинг ижросини таъминлаш мақсадида жаҳон ҳамжамияти томонидан зарур саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Бироқ амалга оширилаётган кенг қамровли чора-тадбирларга қарамай, айрим кимсаларнинг нарф кутқусига ўсиб, бу мудҳиш жиноий қилмишга қўл ураётгани ачинарлидир.

Масалан, Қарши шаҳрида истиқомат қилувчи Аҳмад Шодиёв (исм-шарифлар ўзгартирилган) ўзининг жиноий

шериги Шоҳида Турдиева ҳамда жиноят иши алоҳида ажратилган, терговда шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган бир гуруҳ шахслар билан олдиндан жиноий тил бириктириб, ғараз ва бошқа паст ниатларни кўзлаб, аёллар ва қизларни ахлоқсиз ишлар билан шуғулланишга мажбур этиш орқали текин даромад ортиришни кўзлашган.

Шу мақсадда 2012 йил 7 сентябрь кун Ш.Турдиева таниши Зебо Алиева "Холиқро гўзаллик салониде иш бор, салоннинг тозаллигига қараб юрсанг бўлди", дея қўйини пуч ёнғоққа тўлдириб, терговда шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган уюшган гуруҳ аъзоларининг қўлига топширади.

Уюшган жиноий гуруҳ аъзоларидан бири эса З. Алиева кўшни республикадан Дубай шаҳрига самолётда олиб боради. У Зебонинг ҳуқуқларини чекаб, фуқаролик паспортини олиб қўяди ва 2012 йил 10 сентябрдан 29 сентябрга қадар чет элда қонунга хилоф равишда ушлаб туриб,

тубан ишлар билан шуғулланишга мажбур қилади.

Уюшган жиноий гуруҳ аъзолари ўзларининг жиноий фаолиятини давом эттириб, яна содда ва ишонувчан хотин-қизларни излаб топишни режалаштиришади. Шулардан бири Насиба Мухторова ҳам уларнинг алдовига учиб, хорижга кетишга тайёргарлик кўра бошлади. Ш.Турдиева Н.Мухторованинг фуқаролик паспортини "виза" қўйдирман, деган ваҳ билан олиб қўяди. Шундан сўнг улар қўшни республика орқали хорижга кетишни мўлжаллаб йўлга чиқишганда, Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармасининг "Умак" мунтазам постида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан қўлга олинади.

Халқимизда "қилмиш-қидирмиш", деган нақл бор. Судланувчилар суд мажлисида ўзлари содир қилган жиноятга тўлиқ иқроор бўлди. Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг ҳукми билан А.Шодиёв ва Ш.Турдиева айбдор деб топилди, уларга нисбатан қонуний жазо тайинланди.


Хулоса ўрнида шуну таъкидлаш жоизки, трансмиллий жиноят саналган одам савдосининг қабих тўрига тушиб қолмаслик, алдовларга уммаслик бу жиноий қилмишнинг олдани олишда муҳим аҳамиятга эга. Зотан, ҳар бир фуқаро ўзининг ҳуқуқ ва манфатларини қонун доирасида ҳимоялаш орқали эркин ва фаровон ҳаёт, озов ва обод Ватан бунёд этишдек эзгу ишга муносиб улуш қўшган бўлади.

Ориф ЭЛМУРОДОВ,
жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг раиси

Муסיқанинг инсон руҳиятига таъсир этиш қудрати башариятга азалдан маълум эди. Бинобарин, замонавий илм-фан ва техника тобора ривожланган сари мусиқанинг инсонга бўлган таъсири янада чуқурроқ ўрганила бошланди. Айтиш керакки, бу борада олиб борилган тадқиқотлар натижасида ҳатто "муסיқа терапияси" деб ном олган тушунач ҳам пайдо бўлди. Аниқроқ айтганда, бу жараёнда беморга маълум бир куй ёки қўшиқ эшиттирилади. Бунинг натижасида турли хил руҳий касалликлар, ривожланишдан орқада қолиш, токсикомания ва бошқа бир қатор хасталикларни даволаш самарадорлиги янада ошиши ўзининг илмий тасдиғини топган.

Garoyib olam

Биз билган ва билмаган дунё МУСИҚАНИНГ СЕҲРЛИ КУЧИ



Муסיқа турлари орасида айнан классик муסיқа инсонга кучлироқ таъсир кўрсатади. Бундан ташқари барча машҳур композиторлар орасида айнан Моцарт асарлари аниқса, инсонга кучли таъсир ўтказиши аниқланган. Моцарт яратган муסיқа асарлари инсон миёсига фаолиятини сезиларли даражада фаоллаштириб экан. Тиббиётда бу феномин аллақачон "Моцарт эффекти" деган ном олиб улгурган.

Айтиш жоизки, муסיқаниннг ҳамма тури ҳам инсон учун фойдали деб бўлмайди. Масалан, рок муסיқаси юқори ва паст частоталарнинг ҳаддан ташқари кўплиги билан ажралиб туриб, бундай муסיқа тури баланд овозда янграши билан инсон миёсига анчайин салбий таъсир ўтказиши ҳам мумкин. Бундан ташқари рок муסיқаси инсон танасидаги оқсилларнинг қуюлишига ҳам олиб келиши аллақачон фанда ишбатланган. Жумладан, АҚШда ўтказилган рок концертларидан бирида радиокарданиннг ёнига тухум қўйилган. Бунинг натижасида жароҳатнинг битиши тезлашган.

Ҳитой, Ҳиндистон, қадимги Миср табиқлари муסיқа ёрдамида беморларни даволашдан кенг фойдаланишган. Масалан, Ҳиндистонда ярадор бўлган аскарнинг ярасига малҳам билан бирга майда кўнғирокчалар ҳам бойлаб қўйилган. Бемор кўзгалдан кўнғирокчалар ҳам тебраниб ўзидан майин товуш чиқарганининг ёнига тухум қўйилган. Бунинг натижасида жароҳатнинг битиши тезлашган.

Яқинда АҚШ касалхоналарининг бирида қутилмаган воқеа юз берди. Гап шундаки, цинк моддаси билан захарланган бемор ўлим тўшағида ётар, унинг барча муҳим аъзолари фаолияти аллақачон тўхтаб, танаси тўлиқ фалаж ҳолатига келганди. Шунда шифокорлар биоакустик усулини қўллашга қарор қилишади. Беморга ўзи ёқтирган муסיқа кўйиб эшиттирилади. Қутилмаганда ўлим ёқасида ётган одамнинг ички аъзолари ишга тушиб кетади. Бир неча марта такрорланган бундай муסיқани санслардан сўнг бемор ўз танасидан барча захарли моддани тўлиқ чиқариб ташлашга муваффақ бўлади.

Интернет материаллари асосида Шахло ХУДОЙБЕРГАНОВА тайёрлади.

Куч — адолатда

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ХАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.



ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Бўритош МУСТАФОЕВ
Шерали РАҲМОНОВ
Боқижон ЯҲЁЕВ
Мавжуда РАҲАБОВА

Зарифжон МИРЗАКУЛОВ
Омонбой ОКҲОЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Арислон УСМАНОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Набатчи муҳаррир:

Сардор

ХАМРОЕВ

Саҳифаловчи:

Шерзод

ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.

E-mail: kuch-adolatda@mail.ru

Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буортма: Г-716. Қўроғ бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувада эркин нарҳда. Адади: 6643. 1 2 3 5 Топшириш вақти: 20⁰⁹ Топшириғи: 21⁰⁰